O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 15 ноябрь ЧОРШАНБА

№ 92 (11.895)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Бугуннинг гапи*

## ТЕХНИКАСИ БОРНИНГ МУШКУЛИ ОСОН



**Деҳқончиликни замонавий техника таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир ер эгасининг бирор самарага эришиши учун агротехник ускуна ҳамда механизмлар сув ва ҳаводек зарур.**

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да муваффақиятли якунланган «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдо кўплаб заминдорлар учун ўз техник имкониятларини шакллантириш ва янада яхшилаш учун қулай имконият яратиб берди. Вилоятимизнинг кўплаб агрофирма, ширкат ва фермер хўжаликлари маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри харид шартномаларини расмийлаштирдилар.

Оққўрғонлик фермер Абдумалик Каримов шу кўргазма-савдо орқали бир йўла иккита «Т-75» русумдаги занжирли трактор сотиб олиш юзасидан қозоғистонлик ишбилармонлар билан шартнома тузди. Бу билан хўжалик тасарруфидаги тракторлар сони 12 тага етадиган бўлди.

Айтиш жоизки, Абдумалик фермер техникани қадрлайдиган, таъбир жоиз бўлса, унинг «тили»ни тушунадиган чинакам деҳқон. Шу боис ҳам, у раҳбарлик қилаётган «Покиза-М» нафақат Оққўрғонда, балки бутун вилоятимизда техник базаси энг мустаҳкам фермер хўжалигига айланган. Ўнлаб агротехник ускуна ва механизмлар ёрдамида хўжаликнинг 176 гектар майдонида етиштириладиган пахта ва ғаллага ҳамиша вақтида, сифатли ишлов берилади. Четдан мутлақо қўшимча техника ёлланмайди. Аксинча, ён-атрофдаги фермер хўжаликларига имкон борича техник ёрдам кўрсатилади. Шу боис ҳосилдорлик юқори, унинг ортидан келаётган моддий манфаатдорлик баракали бўлмоқда.

Фермернинг хомаки ҳисоб-китобларига кўра, четдан техника ёлланса, ҳар гектар ерга ишлов бериш учун 120-150 минг сўм қўшимча харажат бўларкан. Буни энди ўнлаб, юзлаб гектар майдонга кўпайтирсангиз, бир мавсумда неча миллионлаб даромад бой берилиши ойдинлашади. Кўплаб фермерлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рентабелликни оширишнинг энг муҳим омили бу — ўз беминнат техникаларига эга бўлишдир.

Дарвоқе, фермер Абдумалик Каримов бу борада бир қатор хорижий давлатлар тажрибасини ҳам бориб кўрган, пухта ўрганган. Унинг айтишича, бир қатор мамлакатларда фермернинг мавқеи техник негизининг қанчалик ривожланганига қараб белгиланар экан. Заминдор шу кунларда ҳам навбатдаги сафар тараддудида юрибди. Бу гал юртимизда иш олиб бораётган лизинг компаниялари мутасаддилари, илғор фермер ва тадбиркорлар билан Италияга бориб, у ердаги аграр соҳа ютуқлари билан танишиб қайтиш ниятида.

— Ҳозир техникали бўлишни ихтиёр қилган ҳар қандай фермерга бекиёс имкониятлар бор, — дейди у. — Биргина пойтахтимизда икки ҳафтадан зиёд вақт давом этган кўргазма-савдони олиб кўринг. Техника шу ерда, ишлаб чиқарувчилардан вакиллар бор, банк-молия муассасалари ҳозиру нозир, кредит ва лизинг ташкилотлари «лаббай» деб турибди. Фурсатдан фойдаланиб, даромадининг бир қисмига техника олиб қўйган деҳқон бугун ютқазмайди.

Ҳақ гап. Техникаси борнинг мушкули осон, ортиқча оворагарчилиги йўқ. Юқори ҳосилдорлик, иқтисодий самарадорликнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам шу.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *фермер Абдумалик Каримов янги сотиб олаётган «Т-75» трактори ёнида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ҲАРАКАТДА

**Янгийўл шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг жойларда 32 та таянч гуруҳлари ташкил этилган. 12 та маҳалла фуқаролар йиғини, 11 та мулкдорлар ширкатлари қошидаги бундай гуруҳлар доимий режа асосида фаолият юритмоқда.**

Жамият қошида ишонч телефони ишлаб турибди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 28 нафар фуқародан телефон орқали оғзаки мурожаатлар қабул қилинди.

Шаҳарда ҳафтанинг ҳар сешанба куни «Истеъмолчилар куни» деб эълон қилинган. Шу куни жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

— Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозиргача жамиятга 60 дан ортиқ мурожаатлар, ариза ва шикоятлар тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди, — дейди шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Зуҳра Ҳайдарова.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

## ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ БИЛАН

**Вилоятимизнинг чекка ҳудудларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг бугунги ҳолатини талаб даражасига келтиришга катта эътибор қаратилмоқда.**

Паркент туманидаги Заркент қишлоғи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса ҳам айни вақтда тубдан қайта таъмирланиб, замонавий шифо масканига айлантирилди. Зарур тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган шифохонада қишлоқнинг 9 мингдан зиёд аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Бу ердаги таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари асосан ҳомийлар кўмагида бажарилди.

**Шеркон РАҲМАТОВ.**

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР МАКТАБИ

**Юқоричирчиқ туманида Ҳуқуқий билимлар мактаби иш бошлади.**

Тумандаги 15-мактабда доимий фаолият юритаётган маърузачилар таълим масканларида бўлиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларининг шаклланишига яқиндан ёрдам беришмоқда. Қолаверса, оилада ҳамда ёшлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлилик, соғлом турмуш тарзи тарғиботи мавзуидаги маърузалар ҳам ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан тингланмоқда.

**Содиқ САЛИМОВ.**

## ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИЛАРИ УЧРАШДИЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат педагогика институтидаги бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда Сардорлар кенгаши раислари иштирокида «Ҳаракатнинг Низом ва дастурига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таҳлили» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Мавлон ИКРОМОВ.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## МАРКАЗ БЕПУЛ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Маълумки, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан жойларда «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» ташкил этилмоқда.**

Бундан кутилган асосий мақсад ёшларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам бериш учун турли ихтисослашган тўгараклар, клублар тузиш, улар фаолиятини изчил ривожлантириб бориш, турли тоифа ёшларнинг муаммоларини тўғри ва ижобий ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишдан иборатдир. Ҳозирги кунгача вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида саккизта «Ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари» ташкил этилган бўлиб, улар 29 йўналишда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг жойлардаги инфратузилмаларини шакллантириш ҳамда ёшлар ҳаёти ва фаолиятида тутган ўрнини «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг иш самарадорлигини ошириш орқали мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Тошкент туманида ташкил этилган яна битта ана шундай марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу марказда бичиш-тикиш, компьютер саводхонлиги, рус ва инглиз тилларини ўрганиш ҳамда пазандачилик йўналишлари бўйича ёшларга амалий кўмак бериш режалаштирилган.

Табиийки, ушбу марказ келажакда ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, марказнинг ёшларга бепул хизмат кўрсатиши назарда тутилган.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 23 мартда эълон қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.***

## ЧОРВА – ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Мазкур қарорда тижорат банклари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

– Ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида туманимизда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Зангиота туман Халқ банки бошқарувчиси Жовли Бердиев. – Ўтган давр мобайнида чорва моллари сотиб олиш учун қирқ нафарга яқин кам таъминланган оилага қирқ миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу борадаги ишлар қатъий режа асосида давом этмоқда.

– Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар манфаатлари ҳимоясига катта эътибор қаратилаётгани келажакка бўлган ишончимизни оширади, – дейди тумандаги "Эшонгузар" қўрғонида яшовчи Хуршида Абдуллаева. – Биз ҳам банкдан олинган 750 минг сўмлик имтиёзли микрокредит ҳисобидан сигир сотиб олдик. Рўзғоримиз бутланиб боряпти. Менинг номимга янги меҳнат дафтарчаси ҳам очилди.

**ЎзА.**

## ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, вилоятимизнинг Қибрай, Паркент, Бўстонлиқ ва Зангиота туманларида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони ошиб бормоқда.**

– Туманимизда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш учун шарт-шароит етарли, – дейди Зангиота тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Фатхулла Саидов. – Жорий йилда мазкур фармонга мувофиқ, тумандаги тўққизта ширкат хўжалиги тугатилиб, улар ўрнида 660 та фермер хўжалиги ташкил этилди.

Айни пайтда бу йўналишда фаолият кўрсатаётган 800 га яқин фермер хўжалиги тасарруфида уч ярим минг гектардан зиёд ер мавжуд. Улар жорий йилда 46 минг тонна ҳосил етиштириб, беш миллиард сўмдан ортиқ даромад олишни мўлжалламоқда.

– Бу борада "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси биз учун айни муддао бўлди, – дейди Зангиота Машина-трактор парки раҳбари Омон Хўжаев. – Унда бир қатор хорижий мамлакатларнинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган минитехнологияларнинг намойиш этилиши фермер, тадбиркорларимиз учун кенг имкониятлар яратди. Биз ҳам Россияда ишлаб чиқарилган "Енисей" комбайни сотиб олиш учун шартнома имзоладик.

– Бизга Россия, Германия, Италия давлатларида ишлаб чиқарилган инкубатор, сутни ва мевани қайта ишлаш технологиялари айниқса маъқул бўлди, – дейди "Иттифоқ мева-сабзавотлари" агрофирмаси раҳбари Ҳамидулла Йўлчиев. – Фермерларимиз мева-сабзавот етиштириш билан бирга, чорвачиликда ҳам юқори самарадорликка эришмоқдалар. Ҳозирда 400 бошга яқин қорамол бор. Уларни озуқа билан таъминлаш учун имкониятларимиз етарли. Яқинда ўзимизда етиштирилган сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех очиш ниятидамиз.

**Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

## УМРНИНГ ЎЧМАС ИЗЛАРИ

**Қибрай туманидаги генерал Мурод Шералиев ёдгорлик мажмуасида шу замин фарзанди, марҳум ҳуқуқ-тартибот фидойиси таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.**

Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Қибрай туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган маросимда ички хизмат идоралари ходимлари, тизим фахрийлари, шунингдек, генерал номи билан аталувчи маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этди. Унда сўз олган марҳумнинг сафдошлари, шогирдлари ва ёр-биродарлари генерал Шералиевнинг сермазмун умри мобайнида қилган эзгу амаллари, хайрли ишлари, ҳаётда қолдирган ўчмас излари хусусида фикр юритдилар.

Шу куни тадбир доирасида футбол бўйича хотира турнири ҳам ташкил этилди. Унда туман маҳаллалари ёшларидан иборат жамоалар ўзаро майдонга тушдилар.

Хотира кечаси «Дўрмон боғи»да ёзилган дастурхон атрофида давом этди. Таниқли санъат усталари ижросидаги куй-қўшиқлар даврага файз киритди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов иштирок этди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

*Обуна – 2007*

## УЛАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИ ЎҚИШАДИ

**Аввал хабар қилганимиздек, Бўка тумани марказий шифохонаси жамоаси келгуси йил учун давом этаётган обуна мавсумида фаоллик кўрсатмоқда.**

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан биз, шифокорлар меҳнати янада қадрланди, иш ҳақимиз ошди, — дейди шифокор Мавлуда Ваҳобова. — Бу эътибор ва ғамхўрлик учун аввало ҳукуматимизга раҳмат. Демоқчиманки, мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни, инсон манфаатларига хизмат қилувчи муҳим ҳужжатларни оммавий ахборот воситалари, жумладан матбуот орқали ўқиб, хабардор бўламиз. Шундай экан, биз қайси соҳа вакили, қайси касб эгаси эканлигимиздан қатъи назар, матбуотга яқин бўлишимиз лозим. Шу мақсадда, жамоамиздан кўпчилик вилоятимизнинг бош нашрлари — «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна бўлишяпти.




***СУРАТДА:*** *марказий шифохона ходимларидан бир гуруҳи «Тошкент ҳақиқати»нинг янги сони билан танишмоқдалар.*

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи олган сурат.**

**2007 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

*Қарор ва ижро*

# ТАБИАТ – МУСАФФОЛИГИ БИЛАН ГЎЗАЛ

**Бўстонлиқ ўзининг гўзал табиати билан машҳур. Унинг бағрида дам олган кишининг руҳияти кўтарилиб, тани яйрайди, саломатлиги мустаҳкамланади. Шунинг учун бу гўзал минтақада дам олувчилар йилдан йилга кўпайиб бормокда.**

Бу сўлим даргоҳда дам олувчилар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, унинг табиатини тиклаш ва муҳофаза қилиш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмокда. «Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Чимён-Чорвоқ курорт рекреация зонасининг табиий бойликларини сақлаб қолиш ҳамда дам олиш ва соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Чирчиқ дарёсининг сув муҳофаза минтақаларини ва қирғоқ ҳимоя зонаси чегараларини аниқлаш тўғрисида»ги қарорлар бунга мисолдир. Улар ҳудудда юзага келган долзарб муаммоларни бартараф қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси дам олувчилар учун яратилган шароитларни янада яхшилаш билан бир қаторда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилмокда.

Шу қарорларга мувофиқ Чорбоғ сув омбори сув муҳофазаси зонаси 100 метр кенгликда белгиланди ва унда жойлашган, атроф-муҳитга, сувга зарар етказувчи, ифлослантирувчи объектлар кўчирилди, «Бақачўл-Хўжакент-Ғазалкент» магистрал канализация қувури қурилиши охирига етказилиб, фойдаланишга топширилди, Бақачўл ва Юсуфхона ҳудудларида дам олиш мажмуалари қурилиши тугатилди, дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида марказлашган сув олиш иншооти қурилиб, ишга туширилди, «Ғазалкент-Юсуфхона» автомобиль йўли кенгайтирилиб, қайта таъмирланди.

Бундан ташқари, Чорбоғ қўрғонида ҳосил бўладиган оқава сувлар «Бақачўл-Хўжакент-Ғазалкент» туманлараро канализация қувурига оқизиладиган бўлди. Натижада, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларини ичимлик сув билан таъминловчи асосий манба — Чирчиқ дарёсига 2190 минг куб метр оқава сув ташланишига барҳам берилди.

Чирчиқ дарёсининг қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси 50 метр қилиб белгиланганлиги учун сувнинг ифлосланишига сабаб бўлувчи 13 та объект кўчирилиши назарда тутилган. Ҳозиргача уларнинг 10 таси кўчирилди. Биттаси эса оқава сув ташлашни тўхтатиб, ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш тизимини йўлга қўйди.

Шунга қарамай, ҳудудни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ва ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Чунончи, Чимён сой канализация тармоғи қурилиши муддати ўтиб кетган бўлсада, бу иншоотда шу кунга қадар қурилиш ишлари бошланмаган. Бунинг оқибатида Чимён қишлоғида жойлашган корхоналар, дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида оқава сувлар ҳамон ўраларга йиғилмокда.

«Бақачўл-Хўжакент-Ғазалкент» канализация тармоғи фойдаланишга топширилганидан сўнг унга саноқли объектларнинг оқава сувлари уланди, холос. Булар Навоий, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон металлургия комбинати, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли дам олиш масканлари ва Хўжакент пансионатидир. Канализация тармоғининг икки бети бўйлаб жойлашган 45 дан ортиқ дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мутасаддилари ҳар хил баҳоналарни рўкач қилган ҳолда ўз оқаваларини канализацияга улашни пайсалга солиб келмоқдалар.

Туманнинг экологик вазияти ҳақида гап борганда Белдерсой тўғрисида ҳам алоҳида тўхтаб ўтиш жоиздир. Чунки, бу гўша туманнинг энг сўлим, баҳаво қисми бўлиб, бир неча дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, аҳоли дам олиши учун барча қулайликлари бўлган арқон йўл, дам олиш ва спорт жиҳозлари билан таъминланган хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд.

Бу ер дам олиш маскани мақомини олган даврда оқава сувлар учун канализация қувурлари қурилиши ва уларни бўлажак (ҳозир фаолият юритаётган) «Хўжакент-Ғазалкент» канализация тармоғига улаш назарда тутилган, ҳатто лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, баъзи манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳам эди. Аммо бу муаммо ҳамон ҳал қилингани йўқ. Оқава сувлар асосан ўраларда йиғилмокда ва уларни ташувчи махсус автомашиналарнинг камлиги, ифлос оқаваларни тозалаш иншоотлари узоқ масофада жойлашганлиги туфайли айрим ҳолларда ўралар вақтида тозаланмасдан тошиб кетишига сабаб бўлмокда.

Бўстонлиқ туманининг гўзал, оромбахш табиатини асраб-авайлаш, янада фусункор бўлиши учун курашиш, бунинг учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, табиат мусаффолиги учун жонбозлик кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим. Токи келажак авлодлар ҳам унинг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бўлсинлар.

**Б. ТОШПЎЛАТОВ,**
**Бўстонлиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси.**

# ЯНГИ ИХТИРОЛАР НАМОЙИШИ

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишда фойдаланишга мўлжалланган янги ўқув-тажриба асбоблари, лаборатория жиҳозлари, расм, жадвал ва мультимедия дастурлари кўргазмаси намойиш этилди.***

– Университетимизнинг электроника ва микроэлектроника кафедраси олимлари, моҳир муҳандислар ва педагог ходимларнинг кўп йиллик тажрибаси ҳамда чуқур илмий изланишлари маҳсули бўлган ушбу ихтиролар йиллар мобайнида синовдан ўтказилиб, босқичма-босқич такомиллаштирилди, – деди Тошкент Давлат техника университети кафедра мудири, профессор М. Баҳодирхонов.

Қуёш элементлари асосида яратилган, электр энергиясини тежашга мўлжалланган лаборатория жиҳозлари ана шундай воситалар сирасига киради. Ушбу қурилмалар хавфсизлиги, кам миқдордаги энергия ва кучланишга асосланиши билан амалдагиларидан ажралиб туради. Олимларимиз замонавий электрон дарсликлар ва физикавий жараёнларнинг электрон анимацияси бўйича мультимедия дастурлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратмокда. Бундай илмий изланишлар жараёнида талаба ёшлар ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса қувонарлидир.

Электроника ва автоматика факультети 2-курс магистрлари Сирожиддин Валиев ва Ғиёсиддин Мавлоновнинг илмий фаолияти бунга мисол бўла олади. Улар яратган термодатчик ва магнит датчик четдан олиб келинаётган ана шундай воситалардан асло қолишмайди. Ушбу қурилмалар юқори сезгирликка эгалиги, универсаллиги, маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга мослаштирилгани билан нафақат таълим, балки ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришда ҳам ўз ўрнини топиши табиий.

**ЎзА.**

# ЯРМАРКАДА ИШ ҚИЗҒИН

**Пойтахтимизда 2007 йилда истеъмолчиларга озиқ-овқат товарлари етказиб бериш бўйича улгуржи савдо ярмаркаси иш бошлади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги "Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган ярмаркадан кўзланган мақсад товар ишлаб чиқарувчилар билан савдо ташкилотлари ўртасида алоқани янада мустаҳкамлаш ва аҳоли талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат. Республика озиқ-овқат маҳсулотлари ихтисослашган улгуржи базасида очилган ушбу ярмаркада озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, турли савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар иштирок этмокда.

– Ярмаркада тайёр маҳсулотларимиз билан қатнашаяпмиз, – дейди Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Пахтачи-сут" агрофирмаси бош иқтисодчиси Мусурмон Тошев. – Жорий йилда беш юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини Бухоро, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида сотдик. Мазкур ярмарка эса ҳамкорларимиз сонини янада кўпайтириш имконини бермокда. Тадбирнинг биринчи кунидаёқ йигирмата шартнома имзоладик.

Ярмаркада юздан ортиқ саноат корхонаси иштирок этмокда. Жумладан, "Ўзгўштсутсаноат", "Озиқовқатсаноат" уюшмалари ҳамда "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниясининг юзга яқин корхонаси ўзининг ўнлаб турдаги маҳсулотлари билан қатнашмокда. Тадбирда саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг келгуси йилда ишлаб чиқариши кутилаётган жами 146 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилган.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Сўраган эдингиз*

***«Ҳурматли «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти!***
***Мамлакатимизда ҳар йили «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиб келинмокда. Бу муҳим тадбирнинг самараси ҳақида батафсил ёзилган мақолаларни газеталар саҳифаларида кам учратамиз. Бу йил тадбирнинг иккинчи босқичи якунланиб, учинчи босқичи бошланди. Улар ҳақида тўлароқ маълумот беришингизни истардик.***

**Мирбосит МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Ғайрат ҒАНИЕВ, Бахтиёр ОЧИЛОВ,**
**Олмалиқ шаҳри».**

# САЛОМАТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу тадбир «Экосан» халқаро ташкилотининг ташаббуси ва Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан уч босқичда ташкил этиляпти. Уларда саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари жамоалари ва аҳоли фаол иштирок этмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби халқимиз анъаналарини ривожлантиришдир.

Яқинда «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқичи якунланди. Жаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган бу босқич доирасида «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари ва жамоат ташкилотлари, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органларининг қўллаб-қувватлаши билан санитария-гигиена ва экология билимларини тарғиб қилиш, ободонлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, экология ва инсон саломатлиги орасидаги боғлиқлик масалалари ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиб борилди.

Бу босқичда экологик жиҳатдан ноқулай бўлган минтақалар аҳолиси ва ижтимоий иншоотларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан кенг қамровли чоралар кўрилди. Айниқса, Оролбўйи минтақаси ва шунга ўхшаш экологик ноқулай ҳудудларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Умуман, «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан 17 та поезд ва автопоездлар уюштирилди. Аҳолига кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами 1,24 миллиард сўмликдан ошди. Биргина Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига 3 мартадан поездлар юборилди. Шу минтақалар ва Сурхондарё вилоятига юборилган «Экосан» саломатлик поездлари таркибида борган тиббиёт ходимлари томонидан қарийб 20 минг қишлоқ аҳолиси тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди ва тегишли маслаҳатлар берилди.

Иккинчи босқичда ўтказилган муҳим тадбирларда «Санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги» алоҳида ўрин тутди. Унинг доирасида умумреспублика экологик ҳашари уюштирилди. Унда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳудудларни тозалаш, иншоотларни таъмирлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиш ва чиқариб ташлаш, рухсатсиз ташкил қилинган чиқиндихоналарни тугатиш, ирригация тармоқларини тартибга келтириш ва бошқа шу каби ишлар бажарилди. Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган экофестиваль ташкил этилди. Унда «Экология ва саломатлик кунлари» республика кўрик-танловининг туман, шаҳар, маҳалла, корхона ва ташкилотлараро якуний босқичи ғолиблари тақдирландилар.

Шу босқичда Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар ҳақида»ги Қонунининг амалиётига бағишлаб жамоат тингловлари, «Иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва саломатлик масалалари», «Қурғоқчилик ва чўлланиш муаммоларини ҳал қилишда олимлар, журналистлар ва фуқаролик жамиятининг роли» ва шу каби бошқа муҳим мавзуларда 20 дан ортиқ халқаро конференциялар, учрашувлар, қатор кўрик-танловлар тақдимотлари ўтди. Табиат ва маданият ёдгорликларини сақлашда, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда экологик туризмнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, иқтисодиётнинг шу соҳасини янада ривожлантириш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар ва манфаатдор вазирликлар ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида туризмни, жумладан экологик сайёҳликни ривожлантириш минтақавий дастурлари, янги экотуристик йўналишлар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» шиори остида экофестиваллар марафони ўтказилди.

Иккинчи босқичда табиат муҳофазасини кучайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган жуда кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Айни вақтда республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги ва Конституция кунига бағишланган «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичи дастурини амалга оширишга киришилди. Унга кўра табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари, экологик ҳолатни яхшилаш масалалари бўйича тарғибот ишлари, табиатни муҳофаза қилиш, хазон ёқилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. 4 ноябрь куни умумреспублика экологик ҳашари ўтказилди. Ундан тушган маблағ «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» республика дастурига асосан Оролбўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудларга «Экосан» саломатлик поездларини ташкил этиш учун сарфланади.

Шунингдек, «Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик тингловлари, «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида жойларда семинарлар, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш борасидаги қонунчилик амалиётида жамоатчиликнинг роли» мавзусида барча шаҳар ва туманларда фаоллар йиғилишлари, маҳаллаларда экологик ва санитария-гигиена масалалари бўйича учрашувлар ўтказилади, кам таъминланган, кўп болали оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.

**Собир ҲАМИДОВ.**

# СИФАТ ТИЗИМИ КАФОЛАТИ

**Тошкентдаги "Ўзстандарт" агентлигида ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида нишонланадиган Халқаро сифат кунига бағишланган республика семинари ўтказилди. Унда мамлакатимиз корхоналарида сифат тизимини жорий қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.**

Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ, 2008 йил якунига қадар, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 90 фоизида сифат тизимини жорий этиш режалаштирилган. Қўнғирот сода заводи, Самарқанд лифт заводи, "Ўзэлектрапппарат-ТМ-Самара" қўшма корхонаси, "Бухоротекс" АЖ, "Бухорогипс", "Атлас", "Бекободцемент" каби корхоналар шулар сирасига киради.

Айни пайтда Ўзбекистондаги 70 та корхона сифат сертификатига эга. "ЎзДЭУавто", "Ўзметкомбинат", Шўртангазкимёмажмуаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Германиянинг RWTUV, Туркиянинг TSE, Франциянинг Beureau Veritas Quality International компанияларининг сифат сертификатини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги вақтда "Ўзэлтехпром", "Ўзбекипаги", "Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзкимёсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг", "Ўзқурилишматериаллари" АК, "Ўзфармсаноат" каби уюшмаларнинг юздан зиёд бўлинмаларида сифатни бошқариш тизими жорий қилинмокда.

Ҳукумат қарорига мувофиқ, мазкур тизимни жорий этиш даврида маълум имтиёзлар берилади. Юридик шахсларнинг даромад солиғи ҳисоблаб чиқилаётганида, даромад сифатини бошқариш тизимини жорий қилиш ва уни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммасига камайтирилади. Текшириш лабораториялари томонидан маҳсулотни текшириш учун олиб келинаётган технология ускуналари божхона тўловларидан ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади.

Анъанага кўра, Халқаро сифат кунида республикамизнинг юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналари диплом ва биллур кубоклар билан мукофотланади. Жорий йилда шундай совринлар "Шўртаннефтгаз", "МС фуд", Навоий машинасозлик заводи, "ЎзДонгДжу" қўшма корхонаси ва "Нестле-Ўзбекистон" корхоналарига насиб этди.

**«Туркистон-пресс».**



# УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ЮТАДИ

**Бекобод шаҳридаги «Эл-Нур» ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлаганига 5 йил бўлди. Дастлабки йили корхонада 10 киши иш билан таъминланган эди. Ўша пайтда улар бетонли йўлак қопламалари ишлаб чиқариш билангина шуғулланишарди.**

Бозор иқтисодиётининг сифатли ва арзон маҳсулот, давр билан ҳамнафас бўлиш, талаб ва таклиф муносабатларига жиддий ёндошиш ҳамда ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш каби талабларига амал қилиш фойда берди. Ҳозир бу ерда бетон, ғишт, плёнка маҳсулотлари, ПВХ қувурлари, турли кўринишдаги эшик-ромлар, эмаль бўёқлар ишлаб чиқарилаётир. Ҳаттоки, шағални қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Айни дамда маҳсулотлар фақат ички бозорни таъминлаш учун етказиляпти.

Ҳозир ишчи ходимлар 150 нафарга яқинлашиб қолди. Шу йилнинг охирига келиб яна 30 та янги иш ўринлари очиш кўзда тутилаётир.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

***СУРАТДА:*** *(ўнгдан) корхона мутахассиси Пўлат Бердимуродов билан оператор Аваз Алматов тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# «ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ШОҲ АСАРИ»

***Янгийўл туманидаги «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирокида «Оила – жамиятнинг шоҳ асари» мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда сўзга чиққанлар бугунги кунда жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеи ортиб бораётганини таъкидлаб, оилада ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор зарурлиги хусусида фикр юритдилар. Семинар иштирокчиларига гиёҳванд моддалар таъсири ва унинг оқибатлари тасвирга туширилган «Жар ёқасида» видеофильми намойиш этилди.

**Чарос АЛИҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон миллий университети талабаси.**



*Кўргазма*

# ЖАВОНЛАР КИТОБГА ТЎЛДИ

***Ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгу тафаккурини дунёвий билимлар билан бойитишда энг зукко воситачи бу – шубҳасиз китобдир. Шу боис ҳам, юртимиз ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни ўқув-адабиётлар ҳамда дарсликлар билан узлуксиз, етарлича таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.***

Айтиш жоизки, кейинги йилларда чоп этилаётган ўқув адабиётлар мазмун-моҳияти, савияси жиҳатдан анча юксалди. Уларнинг мундарижаси ҳам замонавий илм-фан тамойилларига мувофиқ тўлдирилди ва бу жараён ҳануз давом этаётир. Шу билан бирга, уларнинг тайёрланишида ҳам бугунги давр матбаачилик имкониятлари тўлиқ акс этмокда. Бежирим, сифатли, ранг-баранг дарсликлар ёшлар эътиборини кенгроқ жалб этаётир, ўқиб-ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтирмокда.

Хўш, бундан буён чоп этиладиган китоблар қандай бўлиши керак? Бугунги кун ўқувчисини қизиқтираётган яна қандай мавзулар унитилаяпти? Ўқув-адабиётларнинг аҳволи оддий мактаб ўқувчисини ёки уларнинг ота-онасини, таълим муассасаси мураббийларидан тортиб, шу соҳа мутахассисларини қаноатлантираяптими?

Ана шу саволларга атрофлича жавоб бериш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ўқув-дарсликлар кўргазма-савдоси иш бошлади. Унда вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан ҳам кўплаб халқ таълими ходимлари, кутубхоначилар, фаол ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этиб, янги адабиётлар билан танишиш асносида мутасадди идоралар вакиллари билан навбатдаги режалар хусусида фикр алмашмоқдалар.

Кўргазма китоб жавонларидан ўрин олган Ғафур Ғулом, Чўлпон номли, «Ўқитувчи», «Янги аср авлоди» нашриётлари, шунингдек, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган 100 дан ортиқ номдаги китоблар кўпчилик эътиборини жалб этмоқда. Шу билан бирга ташкилотчилар мазкур нашриётларнинг 2007 ва 2008 йилларда чоп этиши мўлжалланган китоблар ҳақида ҳам батафсил маълумот бераётирлар.

***СУРАТДА:*** *китоблар кўргазмасидан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Судлар департаменти**
**Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси**

**туман, шаҳар суд ижрочилари бўлимларининг суд ижрочиси лавозимига олий ва ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқшуносларни қонун талаблари асосида ишга таклиф этади.**

Манзил: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.
Маълумот учун телефон: 362-28-57.

*Шу куннинг мавзуси*

**Бўка туманидаги ширкат ва фермер хўжаликлари деҳқонлари бу йил пилла, ғалла ва пахта бўйича шартнома мажбуриятларини ошириб бажаришди. Бундай зафарли одимларда заҳматкаш бободеҳқон ва фермерлар, миришкор сувчилар, моҳир теримчи ва механизаторлар, соҳанинг билимдон мутахассис ва мутасаддилари билан биргаликда прокуратура ходимларининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.**

# БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

Бу йил туман ширкатлари ва фермерлари давлат хирмонига 172 тонна пилла, 32 минг тонна ғалла ва 45 минг тонна пахта етказиб беришди. «Жасим Гавҳар», «Аср», «Саркор», «Рустам Мусрат», «Учқун» ва «Шодмон» фермер хўжаликларининг ҳар бири 200 тоннадан ортиқ пахта хом ашёси топширдилар. «Р. Тўйчиев», «Мустақил», «Абдуҳалил», «Жалолиддин Шарофиддин», «Шаҳзод» ва «Мусурмонқул» хўжаликлари эса давлат режасини 2-3 баробар ошиғи билан бажаришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хирмонга топширилган ғалланинг 75 фоизи, пахтанинг эса 80 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Бундай кўрсаткичлар фермерлик ҳаракатининг қандай катта салоҳият ва истиқболга эга эканини яна бир бор исботлаб турибди. Бу йил мавжуд 6 та ширкат ҳам тугатилиб, тумандаги фермер хўжаликлари сони 1300 нафарга етказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай меҳнат жараёни ва туманда олиб борилаётган истиқболли ислоҳотлар бизнинг зиммамизга ҳам масъулият юкламоқда. Айни чоғда туман прокуратураси ходимлари фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир вақтда улар томонидан тузилган шартномаларнинг бенуқсон бажарилишини ҳам назорат қилишмоқда. Ҳозирги кунда 900 фермер шартномани ортиғи билан бажаргани ҳолда, 30 нафари шартнома мажбуриятларини уддаламади. Энг аввало, уларнинг барчасига расмий огоҳлантириш эълон қилинди. Етказилган зарарларни қоплаш мақсадида хўжалик судларига даъво аризалари киритилди ва судлар томонидан тегишли қарорлар чиқарилди. Шартномада кўрсатилганига зид равишда, пахта ўрнига бошқа экинларни эккан «И. Калонов», «Шеразим СГ» ва бошқа фермер хўжаликларининг ерлари давлат захирасига қайтариб олиниб, уларнинг устидан жиноят ишлари қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Пахта йиғим-терими аллақачон тугаган бўлсада, прокуратура ходимларининг бу борадаги ишлари ҳали якунланган эмас. Қишлоқ хўжалиги юмушлари — умумхалқники. Жумладан, бу бизнинг ҳам ишимиздир. Далаларни ҳосилдан тозалаш ва сертификат асосида махсус комиссияга топшириш жараёнида иштирок этиш бизнинг бевосита вазифамиз.

Табиийки, сифатли шудгорланган ерда зараркунандалар нобуд бўлади. Шунингдек, фермерлар томонидан ғаллани белгиланган майдонга вақтида ва тўлиқ экиш, унга етарлича минерал ўғит бериб, суғориш ишлари ҳам доимий назоратда бўлиши лозим.

Айтилган ишлар — бу бўлажак ҳосил тақдирини ҳал қилувчи омиллар. Шунинг учун туман прокуратураси томонидан ушбу тадбирларнинг белгиланган муддатда ва сифатли ўтказилиши назоратга олиниб, доимий мониторинг ўтказилмоқда.

Туман МТПлари ва фермерлари банклардан кредит олиб ёки лизинг усулида қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишяпти. Жумладан, ҳайдов техникаси (занжирли «Олтой», «ВТ» тракторлари), дон ўриш комбайнлари ва бошқа техника турлари сотиб олинмоқда. Зарур техникани сотиб олишда тумандаги ваколатли идоралар фермерларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Биз ҳам бу борада деҳқонлар хизматига шаймиз. Фермерлар билан учрашиб, уларга ҳуқуқий жиҳатдан амалий ёрдам қилаяпмиз. Зеро, эл-юрт ризқи, шу озод юрт фаровонлиги учун кураш бизнинг ҳам олий вазифамиздир.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Бўка тумани прокурори.**

*Танлов*

# ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

**Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юрт равнақи йўлидаги изланишлари ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам рағбатлантириб боришга катта эътибор берилмоқда.**

Шу мақсадда икки йилдан буён мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов туман, вилоят ва республика босқичларидан иборат бўлиб, шу кунга қадар 15 мингга яқин ёшлар ўз иқтидорларини синаб кўрдилар. Иштирокчилар унда асосан ўзлари яратган нодир буюм ва илмий «кашфиёт»лари билан қатнашишади.

Яқинда ЎзЛиДеП ижроия қўмитасида ана шу танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олган 42 нафар ёшлар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, ғолиблар ичида мамлакатимиз аграр тармоғи ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар ҳам бор. Хусусан, сирдарёлик ёш селекционер Мансур Жумабоев яратган «Дўстлик» номли буғдой нави ўзининг чўл шароитига мослиги билан вилоят фермерлари эътиборини жалб этмоқда. Шунингдек, Янгийўлдаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Нилуфар Мавлонова ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида янгиликлар яратишга улгурган. Унинг изланишлари ҳам танловнинг совринли ўринларига лойиқ топилди.

— Бундай танловлар кўламини кенгайтириш лозим, — дейди Нилуфар. — Бу юртимизда кўплаб истеъдодларнинг кашф этилишига кенг йўл очади.

**Расул КУШЕРБОЕВ.**

# ЯНА БИР МАЖМУА

Зангиота туманидаги "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларига 130 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди ҳамда 14 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди.

Мажмуани ободонлаштириш, газ, иссиқлик ва электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш ишларига туман ҳокимлиги томонидан 80 миллион сўм ажратилди.

**Азиза АБДУЛЛАЕВА.**

*Анжуман*

# МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ — ТУГАНМАС ХАЗИНА

**Тошкент Давлат аграр университетида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни» республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Анжуманда қадимий Хоразмдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият, маданий-маърифий жараён, унинг шаклланиши ва ривожи, қадимги ҳаётнинг «Авесто»да қандай акс этганлиги ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Ушбу илмий-амалий анжуман арафасида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни» деб номланган тўпламнинг нашр этилганлиги айни муддао бўлди. Тўпламда Маъмун академияси ва унда турли фан соҳаларида фаолият юритган алломаларнинг ижоди, уларнинг дунё илм-фани ва маърифати ривожига қўшган ҳиссаларига кенг ўрин берилган. Шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг ҳозирги пайтдаги илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича фаолияти, Қуйи Амударё воҳасининг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр юритилган.

Тўпламдан жой олган «Емиш бўлмас экан, ҳаёт ҳам йўқдир», «Хоразм воҳасида суғориш техникаси», «Хоразмнинг қадимги чорвачилиги», «Хоразм шароитида жўхорини такрорий экиш», «Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида совуққа ва шўрга чидамли бошоқли дон экинларини экологик синаш натижалари», «Хоразм-150» истиқболли ғўза нави» каби қатор мақолаларда қадимда ва ҳозирги пайтда ер хусусида, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларига оид масалалар юзасидан кўпгина жиддий фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Китобда кўзга кўринган олимлар билан бир қаторда талаба ва ёш олимларга ҳам ўрин берилганлиги эътиборга лойиқ.

Мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу тўпламнинг нашр эттирилиб, тарқатилганлиги, унда қаламга олинган масалалар юзасидан фикр алмашиш, ўрганиш келгусида ижодий изланишларнинг мақбул ва фойдали йўналишларини белгилаш учун кенг имкониятлар яратади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

**Тошкентда Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳамда Россиянинг "Молия технологиялари маркази" компанияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон банклари учун инновацион ечимлар" мавзуида семинар ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги 18 та йирик тижорат банкларининг 54 нафар мутахассислари иштирок этди.**

# «ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР»

Семинар тижорат банкларига ахборот технологияларини такомиллаштиришда яқиндан ёрдам бериш мақсадида ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар банклар томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар тури, мижозлар ва мини банкларнинг кўпайиши, минтақада бизнес-жараёнлар, банкнинг ахборот инфратузилмасига маълум маънода айрим қийинчиликларни келтириб чиқараётганлигини таъкидлашди. Ҳозирги пайтда баъзи банкларда аввал яратилган ҳамда доимий қўллаб-қувватлаш, модернизация ва интеграция қилинишга эҳтиёжманд бўлган инфратузилманинг борган сари ўсиб бораётган банк амалиётлари, ҳужжатлар ва фойдаланилаётган тизим талабларидан ортда қолгани аён бўлиб қолди.

Тадбирда бу вазифаларнинг тўғри ечимига интеллектуал автоматлаштирилган тизимларда илғор технологияларни татбиқ этиш йўли билан эришиш мумкинлиги эътироф этилди.

Семинар қатнашчилари банк ахборот технологияларини ривожлантириш ва уларни келажакда янада такомиллаштириш услублари билан кенгроқ танишиш имконини берувчи маърузалар билан танишишди.

**«Туркистон-пресс».**

# ҲАМКОР ШИФОКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ саломатлик посбонларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Унда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ўнга яқин ташкилотларнинг масъул ходимлари қатнашди.

Тантанада Тошкент тиббиёт академияси, Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти, 1-Тошкент шаҳар клиник шифохонаси, "Алишер Тиббиёт" клиникаси каби тиббиёт масканларининг йигирма нафардан зиёд шифокорлари ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**«Туркистон-пресс».**

*Кузги шудгор*

**Катта тажрибага эга деҳқонларнинг эътироф этишича, келгуси йил ҳосили учун асосий замин кузда қўйилади. Шу фурсатда маҳаллий ва фосфорли ўғитлар солиниб, чуқур ҳайдалган ерлар қишнинг қорқировли кунларида яхши кўпчиб, обдон тўйинади.**



# КУТИЛГАН САМАРАГА ЭРИШИШ ГАРОВИ

Вилоятимиз деҳқонлари ҳам айни дамдаги асосий эътиборни кузги шудгорни муваффақиятли якунлаб олишга қаратмоқдалар. Бугунгача шудгорланиши режалаштирилган майдонларнинг қарийб ярми сифатли ҳайдаб бўлинди. Ҳар куни далага чиқаётган 700 дан зиёд ҳайдов техникалари ёрдамида 4050-4100 гектар ер шудгорланмоқда. Айниқса, вилоятимизнинг мева-сабзавоткор туманларида бу ишлар қисқа фурсатда якунланди.

Хусусан, Паркент туманидаги «Афросиёб» фермер хўжалиги аъзолари экин майдонларини барвақт шудгорлаб қўйдилар.

— Барча агротехник тадбирлар вақтида, кечиктирмай адо этилсагина, кўзланган маррага, юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин, — дейди фермер Асқар Ризаев. — Шу сабабдан биринчи эътиборни кузги шудгорни сифатли адо этишга қаратдик, ерларни бегона ўтлардан тозаладик.

**Мўмин ИБОДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:** (ўнгдан) туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Фахриддин Холов, фермер Асқар Ризаев, тракторчи Нишонбой Жамолов шудгор сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
### ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2006 йил 19 декабрь куни соат 11:00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади.**

1. Қибрай тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан ҳатланган, Пахтачилик илмий тадқиқот институтига қарашли, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й.да жойлашган «Автогараж бино ва иншоотлари» объекти. **Бошланғич баҳоси – 24072134 сўм.**

2. Қибрай тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан ҳатланган, Пахтачилик илмий тадқиқот институтига қарашли, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й.да жойлашган «Савдо дўкони биноси» объекти. **Бошланғич баҳоси – 2787555 сўм.**

3. Қибрай тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан ҳатланган, «OLEG SERVIS» хусусий фирмасига қарашли, Қибрай тумани, Салар ш.ф.й.да жойлашган «Омборхона биноси» объекти. **Бошланғич баҳоси – 1098173 сўм.**

Ушбу объектлар сотилмаган тақдирда 2006 йил 21, 26, 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9, 11, 16, 18, 23, 25, 30 январь ва 1, 6, 8, 13, 15 февраль кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига чиқарилади.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар кўчмас мулк объектларини юқорида кўрсатилган манзилларда кўриш имкониятига эга.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 18:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини РКМБнинг қуйидаги:

МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

**Аризалар қуйидаги манзиллар буйича қабул қилинади:**

**Республика кўчмас мулк биржаси манзили:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а-уй.

РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончаси манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** 399-84-48, 399-79-52 (РКМБ), 133-28-52, 133-49-31 (РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончаси). **Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz**

Лицензия: DB 001 № 000004


*01 огоҳлантиради*

# ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

**Ёнғин келтирадиган зарарларни фақат рақамлар билан ифодалаш қийин. Зеро, «Олов — тилсиз ёв» деб бежиз айтилмайди. Бу офатнинг олдини олиш ва рўй берганда уни бартараф этиш учун курашда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бор имконият ва маҳоратларини ишга соладилар.**

Афсуски, олиб борилаётган профилактика ишларига қарамай фуқароларнинг лоқайдлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликлари натижасида шу йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят ҳудудида 1265 та ёнғин содир бўлди. Шундан 873 таси фуқаролар хонадонларида рўй берди. Оқибатда 14 киши ҳалок бўлиб, 64 нафари тан жароҳати олди.

Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири иситиш ва газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир. Айрим фуқароларимиз газ мосламаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмайдилар, бепарволик қилиб, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликка йўл қўядилар. Бу эса аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас, мудҳиш оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Фақатгина газ асбоб-ускуналарининг нотўғри қурилиши ёки ўрнатилиши ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши сабабли 225 та ёнғин содир бўлди.

Масалан, 2 сентябрь куни Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчасидаги фуқаро С. Дунбоевга қарашли 75-уйда газ печининг мўриси носозлиги оқибатида ҳаммом томи ва шифти ёнган.

3 сентябрь куни Бўстонлиқ тумани, Чимён қўрғонида истиқомат қилувчи фуқаро К. Каримовага қарашли уйда ҳам газ печининг мўриси носозлиги сабабли ёнғин чиқиб, уй томи, шифти ва жиҳозлари ёниб кетди.

2 сентябрь куни Зангиота тумани, С. Раҳимов номли ширкат хўжалигидаги Навоий маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро М. Тошматов ҳам газ плитасини ишлатиш қоидаларини бузганлиги оқибатида ошхонаси ва у ердаги жиҳозларидан айрилди. Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин.

Ёнғин билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, тилсиз ёвнинг йўлига қатъий тўсиқ қўйиш мақсадида вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси яна бир бор эслатади:

*газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг;*

*ясама ва носоз бўлган иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг;*

*газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширманг, иложи борича болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг;*

*газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;*

*ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг;*

*газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг;*

*газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, мутахассисларни жалб этинг.*

Оловдан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг ўз қўлида. Ҳамма вақт сергак ва ҳушёр бўлиб, ёнғиннинг олдини олишнинг энг оддий қоидаларига оғишмай риоя этилса, лоқайдликка чек қўйилсагина, тилсиз ёв хавфидан ҳоли бўлинади, ҳар бир кун тинч ва осуда ўтади.

**Барно СОДИҚОВА,**
**вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.**

*Китобингизни ўқидим*

**Бугун юртимизда эркин сўз қопқалари ланг очиқ, адабиёт ҳам ўзининг асл моҳиятига қайтди. Ижодкорлар истиқлолни, тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган Ватан озодлигию бунёдкор халқ орзу-интилишларидан тортиб, уларнинг оғриқли нуқталаригача баралла куйлашни бошладилар.**

**Турли мавзу ва жанрдаги катта-кичик бу асарлар чиройли муқоваларда бирин-кетин босиб чиқарилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти чоп этган «Оҳангарон илҳомлари» шеърлар тўплами ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.**

# ҲАР САТРИДА ЧИМДИМ НУР

«Оҳангарон илҳомлари»нинг шеърият ихлосмандларини қувонтирадиган муҳим жиҳати шундаки, у Оҳангарон водийсидаги шаҳар ва қишлоқларда яшаб, ижод қилаётган турли ёшдаги турфа касб эгаларининг ижод намуналари билан таништирган ҳолда мамлакатимиздаги маълум бир ҳудудда шаклланган адабий муҳит, бу ердаги анъаналар ҳақида ҳам яхшигина тасаввур беради.

«Оҳангаронлик ижодкорлар жамлаган тўпламни олиб, кўнглим қувонди, — дейди китобга ёзган сўзбошисида Республика Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров. — Аввало уларнинг шижоатидан, бир ёқадан бош чиқариб, ҳомий топиб, китоб чоп этишни қатъий ният қилганидан қувондим. 19 ижодкорнинг шеърлари билан танишдим. Шуни айтиш керак, улар орасида Оҳангаронда яшаб, ижод қилаётган, уйғур ва ўзбек халқининг севимли шоирасига, оқила аёлига айланган, бир неча китоблар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, онахон шоира Роҳила Ҳафиз қизи ёки ижодининг илк давридаёқ Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «оқ йўл»ини олиш бахтига муяссар бўлган, сатрларида ташбеҳлар шодаси тизилиб турувчи дилбар шоира Зарифа Эралиеванинг борлиги кишини қувонтиради».

Адабиётни бир киши яратмайди. Шоирликни қисмат деб билган ижодкорлардан кимдир адабиёт аталмиш бўстонда ўн йиллаб завол билмас чаманзор яратиши, яна кимдир бир умр заҳмат чекиб, атиги бир-икки кунлик баҳор чечаги туҳфа этиши мумкин. Шоирнинг бахти жилла қурса ана шу чечакда. Бир зумга бўлсада у одамларни қувонтирса, уфорларидан баҳраманд этса...

Тўпламни варақлар экансиз, кекса ижодкор Худойберди Аширқулов, Қўконбой Мирзалиев, Нурали Абдурасулов, профессор Исомиддин Ёрматов, ўқитувчи Саида Ўроз қизи, шунингдек, Оҳангарон адабий муҳитида анча фаол Озод Хушназаров, Икром Ўрғозий, Рустам Нажмиддинов, Дилфуза Топилова сингари қаламкашларнинг битган сатрларидан уларнинг қалами анча чархланиб қолганига гувоҳ бўласиз.

*Ўзбекистон тўкин*
*қуёшлик Ватан,*
*Халқинг каби меҳри*
*худди қуёшдек.*
*Сен кўнгли оқликда*
*мисли оқ пахтанг,*
*Онам каби қаддим*
*кўтардинг юксак, —*

дейди Роҳила Ҳафизова бир шеърида қалби фахр ва ғурурга тўлиб.

Нурали Абдурасулов шеърларида ҳаётнинг ўткинчилиги, фақат яхши ишларгина инсон номини абадият сари етаклаши мумкинлигини таъкидлайди:

*Шароб ҳам дўст эмас,*
*гул ҳам дўст эмас,*
*Омад бир овунчоқ,*
*тутганда кулмас.*
*Аслида бу дунё*
*тиззангдан келмас,*
*Яшасанг дунёда мард*
*бўлиб яша.*

Тўпламга кирган барча ижодкорнинг ҳар бирини алоҳида таъкидлаб ўтиш ортиқчадир. Улар орасида турли касб эгалари, кексалар ҳам, ёшлар ҳам, ҳатто, ота-бола ижодкорлар ҳам бор. Шоир айтганидек, уларнинг барчаларига бирдек — шоирликни қисмат деб билганларга қўйилган талабни қўйиш адолатдан бўлмас. Шунга қарамай, «бу ижодкорларнинг ҳар бири ижодида бир чимдим қувонч, бир чимдим дард, бир чимдим нур бор. Зеро, шеърга ошуфта кўнгил — гўзал кўнгилдир, нурли кўнгилдир».

«Оҳангарон илҳомлари»да Оҳангарон тумани, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида яшаб ижод қилаётган 19 ижодкорнинг таржимаи ҳоли, сурати, энг сара туркум шеърлари берилган. Айни пайтда тўпламда Оҳангарон адабий муҳитини акс эттирган қатор мақолалар, мамлакатимизга таниқли адабий сиймоларнинг Оҳангарон билан боғлиқ сафар ва суҳбатлари ҳам эълон қилинганки, бу китобхонда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, ҳассос шоир Муҳаммад Юсуф, водий ижодкорлари шеърларини қўшиқ қилиб элга танилган хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов сингари эл суйган санъаткорлар билан Оҳангарон заминидаги суҳбат ва учрашувлар ҳақидаги Нурали Абдурасуловнинг ҳаяжонли битиклари китобнинг мазмун-моҳиятини янада бойитган, безаган.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

